

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ  
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**638** Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1872-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 28 октябрдаги 2008-29-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1872, 2008 йил 21 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 469-модда) билан тасдиқланган Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 декабрь,  
2015-21-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-  
риш ва ривожлантириш маркази бош дирек-  
торининг 2015 йил 2 декабрдаги  
2015-21-сон буйруғига  
ИЛОВА

### Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомга қиритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ, трансфер-агент фаолиятини юритиш тартибини белгилайди.»

2. 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**трансфер-агентнинг миждози (миждоз)** — эмитент, шунингдек қимматли қоғозларга доир битимлар тузувчи шахслар;»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (Марказий депозитарий)** — депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлашнинг, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийси;».

3. 5-банд ўз қучини йўқотган деб топилсин.

4. 10-бандда:

учинчи хатбошидаги «тегишли депозитарийга» деган сўзлар «Марказий депозитарий ёки инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «депозитарийга» деган сўз «Марказий депозитарий ёки инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«шартномани тузиш учун, шартномага тааллуқли бўлган, шунингдек инвестор эга бўлган қимматли қоғозларни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Марказий депозитарийга ёки инвестиция воситачисига тақдим этиш;».

5. 12-банддаги «депозитарийлар» деган сўз «Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 13-банддан «депозитарийларга» деган сўз чиқариб ташлансин.

7. 27-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Трансфер-агент инвестор ёки қимматли қоғозлар эгасининг олдида етказилган зарарлар доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар учун мулкӣ жавобгар бўлади:»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида хийла-найранг ишлатганлик ва инсайдер ахборотдан фойдаланганликнинг суд томонидан аниқланган фактлари учун, шунингдек қимматли қоғозлар, қимматли қоғозларнинг эмитентлари, қимматли қоғозларга доир нархлар тўғрисида қасддан бузиб кўрсатилган ахборот тақдим этиш, шу жумладан рекламада шундай ахборот тақдим этиш орқали инвесторни ёки қимматли қоғозлар эгасини қимматли қоғозларни сотиб олишга ёки сотишга ундаганлик учун;

инвесторлар ёки қимматли қоғозларнинг эгалари билан тузилган шартномалар шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, шунингдек инвестор ёки қимматли қоғозларнинг эгаси билан тузилган шартномада келишилганидан фарқ қиладиган шартлар асосида битим тузганлик учун.».

8. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун трансфер-агентга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади.».

9. 29-банднинг биринчи хатбошисидаги «Қимматли қоғозлар» деган сўзлар «Қимматли қоғозлар бозори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 30-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.